



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЯИЛ 11 ДЕКАБРДАН № 47 (9543). • 1989 йил 8 март • чоршанба • Баҳоси 5 тийин.
ЧИҚА БОШЛАГАН

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!
Шонли байрам — халқаро хотин-қизлар куни 8 Март байрами билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ғоят самимий, дилқутловларини қабул қилгайсиз.
Хонадон ва оила тўғрисида, болаларни тарбиялаш ҳақида кўрсатаётган доимий ғамхўрлигингиз, садоқатингиз ва муруватингиз, меҳр-шафқатингиз ва донолигингиз учун сиз буюк миннатдорчиликка, чуқур ҳурмат-иззатга, меҳр-муҳаббат ва оқибатга сазовор бўлдингиз. Жамияти-

мизда моддий неъматлар яратишга ва унинг интеллектуал бойлигига сиз қўшаётган ҳисса каттадир. Қайта қуриш шароитида сизнинг жамоат ишларидаги фаоллигингизнинг янги қирралари намоён бўлмоқда.
Тинчликнинг собит ва қатъий тарафдорлари бўлган совет хотин-қизларининг овози, миллати ва ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий эътиқодидан қатъи назар Ер юзи аҳлини тотувлик ва ўзаро иззат-ҳурматда яшашга даъват этаётган аёл-

ларимизнинг овози бутун планетада янграб турибди.
Бизнинг хотин-қизларимизга хос бўлган фидойилик ва куч-ғайрат, меҳнатсеварлик ва одамийлик сингари ажойиб фазилатлар социалистик тузум инсонга тўла-тўқис хизмат қилмоғи учун Совет жамияти янгиланаётган ҳозирги кунда айниқса муҳимдир. Қайта қуришнинг инсонпарварлик мақсадлари совет кишиларининг эзгу орзу-умидларига мос бўлиб
(Давоми кийинчи бетда).



СУРАТДА: икки авлод учрашуви қатнашчилари ўзаро суҳбатда.

А. Зуфаров фотоси.

Ибратли анъаналар АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида область комсомол комитети уруш ва меҳнат ветеранлари — муътабар онахонлар, ишлаб чиқариш илгор-

ларини давра столи атрофида тақлиф этди.
Учрашувни область комсомол комитети секретари А. В. Йўлдошев очиб, сўзни уруш

ва меҳнат ветеранлари республика Совети раиси Р. Ғ. Фуломовга беради.
— Биз ветеранларнинг ҳали куч-ғайратимиз кўп,— деди у.

— Шу ерда ўтирган ҳурматли кексаларимизнинг ҳаммаси қайта қуришда, ёшларни тарбиялашда фаол иштирок этмоқда. Ёшлар ветеранлардан кўпроқ тажриба ўрганиб қолишлари керак. Менимча, область комсомол комитети ўзи бошлаган ибратли анъанани давом эттириб, фақат байрам-

лардегина эмас, балки бошқа кунларда ҳам ветеранларни меҳнат коллективлари, ёшлар ҳузурига тақлиф этиб туриши лозим. Шундагина ветеранлар билан ёшлар ўртасида ўзаро алоқа мустаҳкамланади, амалга ошираётган ишимизга ижобий таъсир қилади.

(Давоми 2-бетда).

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

(Давоми. Бош 1-бетда).

тушади. КПСС Марказий Комитети совет хотин-қизлари сўзлари ва ишлари билан партиянинг қайта қуриш йўлини қизгин қўллаб-қувватлаётганликларини миннатдорчилик билан қайд этади.

КПСС Марказий Комитети сизнинг куч-ғайратингиз ва гражданлик позициянгизга муносиб баҳо берар экан, ҳали меҳнаткаш хотин-қизлар, оналарнинг кундалик ҳаётида анчагина тирикчилик ташвишлари борлигини, жамият сизнинг олдингизда қарздор эканлигини яхши англаб турибди, албатта. Бугун, байрам кун партия ҳаёт яхшиланиши учун, совет кишиларининг фаровонлиги ошиши,

уларнинг уй-жой шароити, соғлиқни сақлаш, маориф яхшиланиши, уларнинг турмуши яхшиланиши учун, соғлом турмуш тарзи қарор топиши, совет хотин-қизлари бахтиёр оналикни меҳнатда ва давлат ишларида фаол иштирок этиш билан қўшиб олиб боришлари учун барча ишларни қилаверишини тасдиқлайди.

Жаҳондаги барча хотин-қизларни бирлаштириб турган муштарак мақсадлар ҳам бор, бу — хонадондаги меҳр-муҳаббат, осойишталикдир, болалар ва қарин-

дош-уруғларнинг сифат-саломатлиги ва бахт-саодатидир, бу — Ер юзиде тинчликдир. Ана шу эзгу мақсадлар ҳар бир аёл ҳаётида рўбга чиқишини тилаймиз.

Яшасин Ер юзи хотин-қизларининг интернационал бирдамлик байрами — 8 Март!

Совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Азиз оналар, опа-сингиллар, дўстлар, сизларга бахт-саодат ёр бўлсин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ҚАЛБИНГИЗ ҚҰРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИБ

В. И. Ленин номи СССР Халқлари дўстлиги саройи чиройли безатилган. Бу ерга келган хотин-қизларнинг қўлларида гуллар, 7 март кун бу ерда Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакилларининг халқро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилиши Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова кириш сўзи билан очди.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг

ўринбосари, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси Т. А. Ешимбетова доклады килди.

Йиғилишда халқро хотин-қизлар ҳаракати тинчлик учун, уруш ҳавфига қарши, қонуний ва амалий тенг ҳуқуқчилик учун, камситишлар тўла йўқолиши учун умумхалқ курашида фаол қатнашаётган қудратли кучга айланганлиги таъкидланди. 8 Март — бизнинг мамлакатимизда энг севимли халқ байрамларининг бири бўлиб,

хотин-қизларга, уларнинг социалистик жамиятдаги мақомига чуқур ҳурмат рамайдир. Миллионлаб ватандош хотин-қизларнинг ёркин тақдирларида ватанимизнинг қаҳрамонона таржimai ҳоли акс этган. Хозир хотин-қизлар қайта куришда фаол қатнашмоқдалар, КПСС XXVII съезди, XIX Бунититфоқ партия конференцияси қарорларини рўбга чиқаришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Қайта куриш сезиларли самара бериши, муқаррар тус

олиши учун хотин-қизлар уни рўбга чиқаришда фаол, янада ғайрат билан қатнашишлари зарур.

Йиғилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонова, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, республика Министрлар Советининг Раиси Ф. Ҳ. Қодиров, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзолигига кандидатлар

В. П. Анишев, П. В. Догонкин, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, В. И. Огарок, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Х. А. Алимова, И. Х. Жўрабеков, А. С. Ефимов, Б. Ф. Сатин, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари П. М. Абдураҳмонов, А. Р. Отажонов, К. Х. Маҳмадалиев, В. В. Сударенков, Узбекистон ССР Давлат ҳавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Морғасов, Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий Округи кўшинлари қўмондони И. В. Фуженко қатнашдилар.

(УЗАТ).

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Депутат П. Ҳабибуллаевни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Депутат Пўлат Ҳабибуллаев Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилинсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. РОМАНОВСКИЙ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил 6 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Депутатлар Ҳ. Ҳ. Ғуломов ва Р. Ражабовни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайлаш тўғрисида

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Депутатлар Ҳамидулла Ҳабибуллаевич Ғуломов ва Раҳим Ражабов Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил 6 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Депутатлардан П. М. Абдураҳмонов, Э. Т. Зоҳидов ва Ш. Р. Мирсаидовни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Депутатлардан Пўлат Мажидович Абдураҳмонов, Эркин Тожиевич Зоҳидов, Шуқурullo Раҳматович Мирсаидов Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил 6 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Узбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари составидаги ўзгаришлар тўғрисида

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1. 95-Бордонқул сайлов округидан депутат Ринад Александрович Попов — Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг раиси;

15-Луначарский сайлов округидан депутат Шуқурullo Раҳматович Мирсаидов — План-бюджет комиссиясининг раиси;

64-Юбилейний сайлов округидан депутат Ирина Алексеевна Шигильчева — Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа комиссиясининг раиси;

204-Октябрь сайлов округидан депутат Тўлқин Ҳамидович Собитов — Аграроаноат комплекси комиссиясининг раиси;

24-Пролетар сайлов округидан депутат Юрий Асралович Асепков — Савдо ва маиший хизмат комиссиясининг раиси қилиб сайлансин.

2. 238-Ғафур Ғулом номи сайлов округидан депутат Лазиз Қаюмов — Ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси;

355-Войсун сайлов округидан депутат Рустам Расулович Юнусов — Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа комиссиясининг аъзоси;

460-Борот сайлов округидан депутат Қаландар Сапов — Сув хўжалиги комиссиясининг аъзоси;

283-Ғурумсарой сайлов округидан депутат Акмал Икромович Икромов — Аграроаноат комплекси комиссиясининг аъзоси қилиб сайлансин.

3. 45-Сельмаш сайлов округидан депутат Ҳ. Ҳ. Ғуломов ва 56-Дўстлик сайлов округидан депутат Р. Ражабов Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайланганликлари муносабати билан Фан ва техника комиссиясининг аъзолари вазифасидан озод қилинсин.

4. 263-Марказий сайлов округидан депутат Ш. Ҳожимуротов Узбекистон ССР ҳуқуматининг аъзоси — Узбекистон ССР Статистика давлат комитетининг раиси қилиб тайинланганлиги муносабати билан;

239-Шаҳрисабз қишлоқ сайлов округидан депутат А. Г. Қадин ва 168-Транспорт сайлов округидан депутат Ю. В. Курочкин республикадан ташқарига чиқиб кетганлиги муносабати билан;

225-Хилол сайлов округидан депутат В. И. Плетнев ва 300-Университет сайлов округидан депутат Э. Ф. Ғафуржонов Узбекистон ССР Олий Советига бўйсунувчи муассасаларга ишга ўтиши муносабати билан улар тегишли доимий комиссиялар раислари вазифаларидан озод қилинсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил 6 март.

Авлодлар учрашуви

(Давоми. Бош 1-бетда).

Собиқ жангчи санъаткорлар додуги иттифоқимизга маълум. Улар худди жангдагидек ҳамон сафда. Яқинда санъаткорлар Хоразм сафаридан қайтишди. Хоразм диярида, Совет Армияси сафига қақирлувчилар ҳузурида жанговар кўшиқлар янгради. Ансамбль раҳбари Ғавҳар Раҳимова концертлардан тушган маблаглар интернационал-жангчилар хотирасига ўрнатиладиган ёдгорлик фондига топширилганлигини айтиди.

Учрашувда сўзга чиққан ветеранларнинг қалб сўзлари диққат-эътибор билан тингланди. Ешлар номидан сўзга чиққан нотиқлар кекса авлод бошлаган ибратли ишларни давом эттирамиз, ветеранларнинг тажрибалари бизлар учун ҳаёт мактаби бўлиб қолади, дейишди.

Шундан сўнг, санъаткорлар фронт кўшиқларидан ижро этишди. Шунингдек, А. Навоий номидидаги Ўзбек Давлат Академика Катта театрининг бир группа санъаткорлари учрашув қатнашчиларини байрам билан табриклаб, уларга аталган кўшиқлардан куйлашди.

Шу кун ветеранларга, ишлаб чиқаришда намуна кўрсатган комсомол қизларга област комсомол комитетининг «Фахрий Ерлиқлари топширилди.

Э. ҚОСИМОВ.

ҮН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УНИНЧИ СЕССИЯСИ

ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ— УМУМХАЛҚ ИШИ

Авал хабар берилганидек, 6 март куни Тошкентда ўн биринчи чакориқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўнинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Н. Нишонов** сўзга чиқди. Тошкент шаҳар партия конференцияларида, деда у, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси **П. Ҳабибуллаев**нинг нотурри хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масала кўтарилганини муносабати билан ўтказилган текшириш якунида, шу йил январь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси мажлисида кўриб чиқилди. Марказий Комитет коммунист **П. Ҳабибуллаев** илмий соҳадаги ноқулай ҳаракатларини тан олганини, ўз ишларига танқидий баҳо берилганини ҳисобга олиб, муҳокама қилиш билан чекланди ва унинг илмий ишга ўтказиш тўғрисидаги илтимосини қондириди. Шу муносабат билан **П. Ҳабибуллаев**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси вазифасидан овоз қилиш тўғрисида таклиф киритилди.

Сессия депутат **П. Ҳабибуллаев**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси вазифасидан овоз қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили бўлиб ишлаётган **М. И. Иброҳимов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси қилиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилди.

Олий Совет **М. И. Иброҳимов**ни бир овоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси қилиб сайлади.

Олий Совет КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районидаги экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавасидаги сува ва ер ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ва уларни муҳофаза қилишни кучайтириш тadbирлари тўғрисидаги 1988 йил 19 сентябрь қарорини бажаришга доир ишлари ҳақидаги масалани қараб чиқди.

Сессияда бу қарор жуда катта сиёсий, иқтисодий ва социал аҳамиятга эга ҳужжат эканлиги таъкидланди. Унинг қабул қилиниши партия ва давлатнинг Оролбўйи ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда йўл кўйилган жиддий камчиликларга тезроқ барҳам бериш, бутун Урта Осиё регионини аҳолиси социал-маиший турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги гамхўрлигининг яна бир янги дэлили, мамлакатимизда партия XXVII съезди, КПСС XIX Бутунитифоқ конференцияси қарорларини рўйбга чиқариш юзасидан амалга оширилётган жуда катта бунёдкорлик ишининг ифодаси бўлди.

Сессияда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарориде белгиланган кенг қўламдаги комплекс тadbирлар республикада қандай амалга оширилётганлиги муфассал муҳокама қилинди.

Республика Министрлар Советининг раиси депутат **Ғ. Ҳ. Қодиров**нинг докладыда ва доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан нотидларнинг нутқларида Оролни қутқариб қолиш, экологик мувозанатни тиклаш учун бошланган ҳаракат кенг тус олганлигидан далолат берувчи кўпгина мисоллар келтирилди. Ҳеч шубҳасиз, муваффақиятлар қўлга киритилди ва улар ўзининг самарасини бермоқда. Шу билан бирга сессия минбаридан турли идоралар ва ташкилотлар шаънига жиддий танқидий сўзлар айtilди. Уларнинг ишнинг пайсалга солаётганлиги, бюрократизмга йўл қўётганлиги

ўлкани янгилаш суръатларини тезлаштиришга, Оролни қутқариб қолиш учун, унга туташ районларда экономикани ривожлантириш ва турмуш шароитларини жиддий равишда яхшилаш учун ажратилаётган жуда катта маблағлар ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга тўқинлик қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарориде белгилаб берилган тadbирларнинг амалда рўйбга чиқарилишида меҳнаткашлар депутатлари Советларнинг, уларнинг ижроия органларининг роли гоат катта эканлиги сессия қатнашчиларининг нутқларида кўп марта таъкидлаб ўтилди. Ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан республика Олий Советидан тортиб қишлоқ, посёлка Советларигача давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари Оролни қутқариш ишга қай даражада аниқ мақсадни кўзлаб, омилкорлик билан шуғулланишига боғлиқдир. Оролни қутқариб қолиш— умумхалқ ишидир. Унга ҳар бир меҳнатчи дахлдордир. Вазифа юксак уюшқоқлик билан кўпроқ куч-ғайрат сарфлаб, Орол денгизи районида экономикани қайта куриш ва экология вазиятини тубдан яхшилаш ишларини кенг фронт бўйлаб авж олдиришдан, бу масалага чинакам омилкорлик билан ёндашишдан иборатдир.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **К. Саликов** минбарга чиқди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Қорақалпоғистон АССР бўйича кўрсатмаларини ва бугунги сессияда гап бораётган қарорнинг бажарилишини яхлит ва ўзаро боғлиқ ҳолда қараб чиқиш лозим, дейди нотик.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Шунга қарамай, Қорақалпоғистон АССРни социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан мунайян иш бажарилади.

Айни вақтда шуни эътироф этиш керакки, ҳали жуда оз иш қилинди, ахвол ҳамон ташвишли бўлиб қолмоқда. Область партия комитети ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ҳали кўп иш қилишлари керак.

Нотик КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кўрсатмаларини амалга оширишда Ўзбекистон ССР ҳукуматиини суствақликка йўл қўётгани учун танқид қилди. У ақинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. П. Анисчев** бошчилигида ташкил этилган депутатлар гурупи самарали иш олиб бораётганлигини таъкидлади. Нотик ушбу сессиядан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда тегишли министрликлар ва идоралар ишга енг шимариб киришиб, Қорақалпоғистон билан боғлиқ проблемаларни партия-вийлик руҳида, қайта куриш руҳида ҳал этидилар деб ишонч билдирди.

ВАСХНИЛ академиги, ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими Президиумининг раиси депутат **Ш. Ақвалхонов** КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори республика халқ хўжалигида жуда катта социал-иқтисодий самара беради, деб таъкидлади. Бу қарор партия ва ҳукумат регионимизни ривожлантириш тўғрисида катта гамхўрлик қилаётганлигидан далолат беради. Ҳозирги кундаги энг муҳим вазифа— Оролни қутқариш юзасидан кенг қўламдаги тadbирларни муваффақиятли амалга оширишдан иборатдир.

Пахта етиштириш тўғрисидаги масала алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу масала теварағида жиддий мунозаралар бўлмоқда. Қенча пахта

етиштириш кераклиги тўғрисида турли рақамлар тилга олиномоқда. Бироқ қанча ҳажимда пахта етиштириш юзасидан илмий асосланган рақамлар айтилаётгани йўқ. ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими президентининг фикрига кўра, пахта—беда алмашлаб экиш билан боғлиқ маълумотлар барча ҳисоб-китоблар учун асос қилиб олиниши лозим. Беда 25—30 процента етказилиши, пахта эса 60 процентдан ошмаслиги керак.

Шоли етиштиришни қисқартириш ва унинг бир қисмини Амударё одоғидаги жанубий зоналарда эмас, балки шимоллий зонада, айниқса унинг дельтасида етиштириш мақсада мувофиқдир. Бу ерларнинг ҳолатини, экономикани ва соҳил зона аҳолисини иш билан таъминлашни яхшилаш иқонини беради. Афсуски, фан шу вақтга қадар илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни жорий этишни жадаллаштириш юзасидан зўр қўятяш кўрсатиб, ишлаб чиқаришга зарур ёрдам бера олганча йўқ. Шунга эришиш эса суғориладиган ерлар махсуддорлигини ошириш ва қорачиликни озуқа таъминлашни яхшилашнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Узсовпроф секретари— республика агросаноат комплекси ходимлари касабасоюз комитетининг раиси депутат **Т. Х. Собитов** сессия қатнашчиларини меҳнаткашларнинг халқларида, меҳнат коллективларининг йиғилишларида Орол проблемаси юзасидан биндирилган таъкидлар ва танқидий мулоқазалар билан таништирди. Оролбўйи аҳолисини сув билан таъминлашда гоат ноқулай ахвол вужудга келганлиги ташвишлантирмоқда. Аҳволни ўнглаб олиш учун Туямуён—Нукус, шуңингдек Туямуён—Ургенч водоводи қурилишини жадаллаштириш лозим. Бу регионда аҳолини иш билан таъминлаш проблемаси ҳам пайдо бўлиб қолди, чунки Орол денгизи сатҳини кескин пасайиб кетиши оқибатида денгиз ўзининг балиқ хўжалиги аҳамиятини йўқотди.

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш воситаларининг қўлланилиши Оролбўйидаги экологик вазиятнинг ёмонлашувида жиддий роль ўйнади. Қорақалпоғистон АССРда, Хоразм областиде захарли химикатларни қўлланишга мумкин қадар чек қўйган ҳолда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситаларини жорий этишга кўпроқ куч-ғайрат сарфлаш зарур.

Бир қанча министрликлар, идоралар ва саноат корхоналари раҳбарларининг агропроф-муҳитни муҳофаза қилишга масъулиятсизларча ёндашяётганлиқларига тоқат қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти давлат комитетининг раиси депутат **Т. Я. Шарипов** Орол бўйида ва республиканиннг бошқа районларида жуда кенг қўламдаги программани амалга оширишда таъминот бўлималарининг иштироки ҳақида гапирди.

Хоразмда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кўрсатмаларини бажариш юзасидан аниқ мақсадни қўзланган ҳолда иш олиб борилмоқда, дейди Хоразм область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари депутат **Қ. Сапов**. СССР Фанлар академиясининг, республика олимлари ва мутахассисларининг катта ёрдами билан 2000 йилгача мўлжалланган социал-иқтисодий ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилди. Унда «уй-хой», «саломатлик», «сув», «мелиорация» программалари ўз ифодаси-

ни топди, саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри депутат **С. М. Бахромов** соғлиқни сақлаш органлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кўрсатмаларини қандай бажараётганлиқларини хабар қилди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области аҳолисини саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан тармоқ программаси ишлаб чиқилди. Бу программа республиканиннг амалдаги «Саломатлик» программасига қўшимча янги топшириқларни ўз ичига олади.

Республиканиннг барча областларидан, медицина олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот институтларидан, республика даволаш—профилактика муассасаларидан аҳолини ёппасига диспансеризацияда ўтказиш мақсадада 103 та медицина ходимлари бригадаси тузилди. Ҳар бир бригадада терапевт, педиатр, хирург, акушер-гинеколог ва уч нафар ўрта медицина ходими бор.

«Тахиташгидроэнергострой» қурилиш бошқармасининг кранчиси депутат **Л. А. Клешчева** сўзга чиқди. У ишлаб турган бошқармада Тахиташ гидроузели районида Амударёдан сув оладиган ишоот қурилмоқда. Айни вақтда Тахиташ—Кўнғирот—Кулсар водоводи қурилиши олиб борилмоқда. Ана шу объектларнинг ишга туширилиши билан, дейди нотик, автоном республика чап соҳил районларини сув билан таъминлаш проблемаси тўла ҳал этилади.

Л. А. Клешчева Тахиташоши ободонлаштириш, ундаги бутун шаҳар хўжалигини ривожлантириш юзасидан олиб бораётган ишларни жадаллаштириш зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ССР Табиати муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси **Т. А. Алимов** шу комитет олиб бораётган ишлар ҳақида гапирди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини илмий асосланган тарзда олиб бориш, иккара муносабатларини жорий этиш ва ер ресурсларидан фойдаланишни назорат остига олиш учун ер тўғрисида муфассал ахборот бўлиши зарур. Афсуски, бу соҳадаги ишни қоникарли деб бўлмайди. Тадқиқотлар кўпгина ташкилотлар томонидан ўз холича олиб борилмоқда.

Ерни капитал текислаш, мелиорация ҳолатини яхшилаш, шўрини кетказиш ва унмуддорлигини тиклаш юзасидан бутун бир комплекс ишларни олиб бориш зарур.

Бутун регионда, айниқса Оролбўйида сув тақчиллиги сезилаётган ва мураккаб экология вазияти вужудга келган ҳозирги шароитда республиканиннг кўп тармоқли халқ хўжалигини ривожлантириш суви тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан техникавий ва ташкилий чора-тadbирлар комплексини амалга оширишни тақозо этади. Бу чора-тadbирлар Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида маъжуд сув ресурсларидан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланишни, шуңингдек атроф-муҳитни ифлосланишдан муҳофаза қилишни таъминлайди. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари **Р. С. Қосимов** шу ҳақда гапирди.

Суғорилиннг турли механизациялаш воситаларини жорий этиш суви тежашининг асосий тadbирларидан биридир. Бу борада ҳал этилаётган масалалар оз эмас. Агрсноат ва хўжалик мутахассис-

лари суғорилиннг илгор воситалари ва машина-ускуналарини қўлланишни кенгайтириш, илгор хўжалиқларнинг таърибасини ёйишда қатъият кўрсатаётдилар.

Яқинда итхтослаштирилган «Аралводстрой» қурилиш бирлашмасининг ташкил этилганлиги КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорини бажаришда муҳим роль ўйнайди. Шу бирлашманнинг бошлиғи **М. А. Сарсенов** «Аралводстрой» коллектив ҳозир дренаж, суви тежаб-тергаб ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комплекс чора-тadbирларини амалга оширишга катта эътибор бораётганлигини, бу эса ерларнинг мелиорация ҳолатини тубдан яхшилаш, сув ресурсларининг исроф бўлишига чек қўйиш, атроф муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Нотик бир қанча масалаларни тезроқ ҳал этиш зарурлигига эътиборини қаратди. Қурилиш объектларини зарур материаллар билан таъминлаш тартибга солиниши зарур.

Белгиланган программа жуда катта куч-ғайрат ва ташкилотчилигини тақозо этади, дейди «Ўзбекистон» Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат **В. П. Анисчев**. Аввало турли идоралар, бўлималар ва хизматларнинг ишмини мувофиқлаштириш зарур.

Вужудга келган мураккаб реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда Орол денгизини ҳозирча аввалги тарзда тиклаш мумкин эмаслигини яхши тўшуниб олиниши лозим. Бу уни тўлдиришимиз, бутунлай қуриб қолишининг олдин олишимиз мумкин. Бирон масалани ҳал этишнинг ўзи га хос самарали йўли топилмас экан, Оролни тўла тиклаб бўлмайди.

Қорақалпоғистоннинг суғориладиган зонаси ва қуриб бораётган денгизнинг жанубий қисми ўртасида яшил оҳота тўсгимни вужудга келтириш схемаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Биз аҳолини қабул қилинаётган чора-тadbирларнинг моҳияти ва аҳамиятидан тўғри баҳадор қилишимиз лозим. Белгиланяётган чора-тadbирларни ҳаммамиз бир ёқдан бош чиқариб амалга оширишимиз керак. Бизнинг депутатлар гурупамиз тўпланиб қолган проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча жамоат кучларини бирлаштиришга ёрдам беради.

Украина шоири Оролниннг тақдир тўғрисида ўз тақдиридек қайғурмоқда, Озарбайжон шоири эса «Улма, Оролим, ўлма!», деб хитоб қилмоқда. Қуриб бораётган денгиз соҳилда яшяётган аҳоли бунинг учун улардан миннатдор бўлмоқда. Зотан, бундай маънавий мадад Орол фондида республиканиннг барча районларидан, ва мамлакатнинг бошқа республикаларидан келиб тушяётган маблағ сингари муҳим ва зарурдир.

Музокаралардан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси **Ғ. Ҳ. Қодиров** депутатларнинг бир қанча саволларига жавоб қайтарди.

Олий Совет муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг Бази доимий комиссиялари составига ўзгартишлар киритди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Л. Ш. Беккулбенов**нинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги доклады тингланди, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилинди.

(УзТАГ).

ХАЛҚАРО хотин-қизлар байрами арафасида махсус муҳбиримиз Ўзбекистон ССР Раёсатининг асосий қўлининг раёси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Баҳодир Жалолов билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Баҳодир ака, биз хотин-қизлар деганда энг аввало, онамизни кўз ўнгимизга келтирамиз. Шунинг учун ҳам дастлаб ўз онамиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Худди кўнглимдаги гапни айтганимиз. Бошқача савол берганимизда ҳам мен сўхбатимизни онам ҳақидаги гаплар билан бошлайман, деб ўйлаб ўтирувдим. Сабаби, ҳозиргина ишга келишдан аввал онамнинг олдиданга кибриб чиқдим. У киши ҳозир Бетоблар. Акамнинг ўлимидан сўнг онамнинг соғлиги бирданга ёмонлаша бошлади. Ўзининг, бугун онамнинг ахлоқини кўрдиму кайфиятини бузилди, ўзини кўрага кой тополмай қолдим. Онамиз яшашни тасаввур этти — мен учун ўлим билан баробар. Иккинчи, бахтимизга соғайиб кетсанлар, умрлари узок бўлсин!

— Онам — Ҳамида ая ўзларининг бутун ҳаётларини бизга — тўрт нафар фарзандларига бахшида этиб келди. У киши меҳнатнаш ва ғайратли аёл бўлиб, ишчи ҳам (онам медицина ҳамшираси бўлиб ишлаб, пенсияга чиққан), рўзгорчи ҳам, болалар тарбиясини ҳам бирдай уйдларди. Бу вазафа-

«Рақсинг тугилиши», номли картинани (СССР халқ артисти М. Турғунбоева сиймосида) хотин-қизлар мавзусида яратилган асарларнинг гултожи деб ҳисоблайман.

— Бугунги кунда хотин-қизларнинг ўз жонларига қасд қилишларига қандай қарайсиз?

— Менимча, бунинг иккинчи асосий сабаби бор. Биринчиси, ижтимоий ҳаётдаги турмуш шартларида (дейлик, майда, эртадан-кечгача ёки станок олдида сақиз соат оёқда тик туриб меҳнат қи-

қил қайгуриши шарт. Хусусан, мени депутатликка номзод қилиб кўрсатган Қашқадарё области хотин-қизларининг яшаш шартлари ва меҳнати жуда оғир. Ўйлаётганим, бу аҳолини икки-уч йил ичида ўнглаб бўлмайди. Депутат бўлсам, аввало, аёлларнинг оилада ва ишлаб чиқаришдаги фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, улар учун қисқартирилган иш кунлари ва соатларини қонуний йўл билан белгилаб қўйиш учун ҳаракат қилардим. Улар учун ҳаётдаги энг зарур нарса энг аввало, меҳр эканлигини эркакларга тинмай таъкидлардим.

— Хотин-қизларнинг қайси фахрларини қадрлайсиз?

— Биринчи навбатда, улар меҳрибон она зотидан эканлигини. Тўғри, бир пайтнинг ўзида ҳам илгор ишчи, ҳам меҳрибон она бўлиш қийин. Кўп ҳолларда шароитта қараб, булардан бири кўрбон қилинади. Шундай бўлиб қолган тақдирда, оналикни танланг. Шунингдек, хотин-қизлардаги ўзинга хос жозиба, юмшоқлик ва латифликни гоё қадрлайман. Ўз ишда давом этган гўдагини тўғри келган жойга ташлаб кетаётган аёллардан эса нафратланаман.

— Аёлларга байрам тилақларингиз...

— Азиз опа-сингиллар, сизлар ҳақида фақат яхши гаплар айтиш керак. Бахтингизни ўз кўнглингиз билан яратинг ва асранг! Ширин-шакар фарзандларингиз беғубор осмонда чарх урданга кабутарлардек иссиқ бағрингизда улар-ўзининг! Ҳамида меҳрибон она ва садоқатли бека бўлиб қолинг!

— Деputат бўлиш-бўлмаслигиндан қатъий назар, ҳар бир эркак хотин-қизлар ҳа-



ПИРУ-БАДАВЛАТ ОДАМЛАР

АСР ТЕНГДОШИ

КУНИ-КЕЧА хотин-қизларимизнинг катта анъанавий байрами — 8 Март арафасида пойтахтимизнинг Акмал Икромов район Абдулла Қодирий маҳалласида, 4-Зуфарий проекти 9-хонадонда катта шодона бўлиб ўтди.

Оддий ўзбек хонадонининг кечаси бекасиз Ҳадича буви Ҳасанова кутлуғ 100 ёшга тўлди. Ана шу кунининг воқеага бағишлаб ёзилган тўқтинчи дастурхон атрофига Ҳадича бувининг ўғил-қизлари, сўқсур келинлари, кўндан-кўн ширин-шакар набира ва эваралари тўланишди. Улар меҳрибон оналари, муштираш бувиларига кучоқ-кучоқ анвоий гуллар тортиқ этишди.

Ҳа, бир асрлик умр катта бир ҳаётий тарих демандир. Онахон ўз умрида кўп шодлиқларини ҳам, қайғу-аламларини ҳам ўз бошидан кечирди. Эзагу орзу, ширин ниётлар уни ҳаётда эътиқод билан даъват этди. У ўз фарзандларининг ўқиниши, ўз замонасига муносиб кишилар бўлиб етишининг бир умр орзу қилиб келди. Бугун унинг ниётлари тўла рўёбга чиққан. Ўғил-қизлари, келинлари тарбияли, ҳаймалари ўқинишли. Ҳамма ҳавас қилса арзийдиган жойларда ишлашади. Халқ ўртасида хурматлари баланд. Ўзинингча, эзагу орзуга эришган ана шунанга бўлса керак. «Менинг ҳаётдан заррача армоним йўқ» дейдилар Ҳадича буви. Асли бахт шу бўлса ажаб эмас!

СУРАТДА: аср тенгдоши Ҳадича буви эваралари даврасида.

Х. Шодиев фотоси.



**БАХТИНГИЗ
ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА**

унда шундай сатрлар бор: ...Ҳаётини менга бахш этгани учун Миннатдорман онажонимдан...

— Мусабир сифатида хотин-қизлар мавзусига қайта-қайта мурожаат этаятганимиз бизни кўнглимизда. Яратган қариналарингизда уларнинг қайси фахрларини ифодалашга кўпроқ эътибор берасиз?

— Хотин-қизлар дунёси — ижодкорлар учун ҳаёт, демакдир. Улар бизни ҳаминша мардонанор яшаш ва дарилик билан олган интилишга даъват этадилар. Шу боис аёлларнинг оналик меҳр-муҳаббати ва меҳнатсеварлигини улуг'ловчи қатор асарлар яратганлар. Мақтаняпти демангу пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залининг фойе-си деворларига ишланган

лиш) яшашлари билан изоҳланади. Иккинчи сабаб, бизнинг ёшлардан оладиган тарбиямизга бориб тақаллади. Оқибатда, эркакларимиз аёлларга анча паст назар билан қараб, уларни қадрлашмайди. Аёлларимиз эса юрагида тўпланган дард-ҳасратларини тўқиб солишдан ор қилиб то фокиса содир бўлгунча чидаб юраверинишади. Афсуски, бундай мудҳиш воқеалар шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ҳалғача юз бермоқда. Бу муаммоларни оқилона ҳал этиш ҳаммамизга боғлиқ.

— Яқинда сизнинг номзодингизни халқ депутатлигига қўриштирди. Деputат сифатида хотин-қизларнинг ҳаётини яхшилаш учун нималар қилишни истардингиз?

— Деputат бўлиш-бўлмаслигиндан қатъий назар, ҳар бир эркак хотин-қизлар ҳа-

БУГУНГИ аёлим — Халқаро хотин-қизлар кунин арафасида областимиз шаҳар ва районларида азиз онахонлар, меҳрибон она-сингилларимизни шарофатига бағишлаган аёллар учрашувлар ва кечалар бўлиб ўтди. Уларнинг қатнашчилари соғина ва ижтисодий вазифаларини ҳал этишда фидокор хотин-қизларимиз қўшаётган ҳиссани алоҳида эътироф этдилар, баҳор байрами билан чин қалбдан табриқладилар. Сурагда: Тошкент районининг донгдор хотин-қизларидан бир гуруҳпаси.

А. Зуфаров фотоси.



Эркаклар аёллар ҳақида

АЁЛ ҚУДРАТИ

О. ГЕНРИНИНГ ҳикояларидан бирида Атлантин океанидаги кичик бир оролга умрбод сургу қилинган денгиз қароқчиларининг ҳаёти тасвирланган. Улар умуман ҳаётдан умидини узган одамлардек инсоний қиёфаларини йўқотган бўлиб, ёввойи одамларга ўхшаб соқоллари ўсган, кинилари йиртиқ, ифлос ҳолда ишайдилар.

Кунларнинг бирида елкалик кема ана бир гурӯҳ сургу қилинганларни бу ерга келтирди. Уларнинг орасида муҳаббат амри билан келган бир соҳибжамол ҳам бор эди. Ана энди оролдаги ўзгаришларини кўринг! Инсоний ҳаётдан умид узганлар соқол олиш, киниларини тузатиш ва бу билан ўзларининг эркак эканликларини билдиришга киришиб кетишади. Хуллас, аёл зоти ёввойилашиб қолган одамларни ана ҳаётга қайтарди.

Гуржистоннинг ховсурьялик табиатлари қадим замонлардаёқ гўзаллигининг нималарга қодир эканлигини билдиради. Уруш майдонидан оғир жароҳатланган Янгит фарёдини тўхтатиш учун унинг ёнига гўзал қизлардан ҳамшираликка қўйиларкан. Бундай хурилик олдида ўзининг янгитлик шаънига доғ туширишдан ўзининг афзал кўрган Янгит қанча қийналса ҳам дардини билдирмас, оҳ-воқини ичига ютар экан. Соҳибжамоллар ана қариларини ёшатириш худ-

(Давоми 7-бетда).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД, ОҲАНГАРОН РАЙОНИДАГИ «ОҲАНГАРОН» СОВХОЗИ СУТ СОҒУВЧИСИ ҚУРМАТОЙ УРОҚОВА УЗНИНГ САЯЛОВДИ ПРОГРАММАСИНИ БАЕН ЭТАДИ

ОДДИЙ меҳнатчиманим, халқ депутати, яъни ҳукумат одамиманим, бундан қатъий назар аввало мен — аёлман, онаман. Қерда бўлмай, қандай йнгида қатнашмайин аёллигимга, оналигимга бораман-де, ҳозир бутун республикамиз учун оғир дард бўлиб турган оналар ва болалар ўлими ҳақида ўйлайвераман. Ҳозирги вазиятдан ҳамма қатори ташвишланаман, қайғурман. Шу боис менга қерда, қай пайт бўлмасин, сўзлаш имконини беришганда шу умумий ташвишимиз ҳақида гапиргим келарди.

ташкilot йўқдек. Арзимас жарималар кор қилмапти, тўғрироғи бу жарималар аслида давлатнинг бир чўнтагидан олиб иккинчисига солгандай гап эмасмикин. Саноат корхоналари нима учун керак ўзи? Ахир халққа хизмат қилиши керак эмасми? Шундай бўлиб турган оналар ва болалар ўлими ҳақида ўйлайвераман. Ҳозирги вазиятдан ҳамма қатори ташвишланаман, қайғурман. Шу боис менга қерда, қай пайт бўлмасин, сўзлаш имконини беришганда шу умумий ташвишимиз ҳақида гапиргим келарди.

**МЕҲНАТИМИЗНИ
ЕНГИЛЛАТИШНИ
ЎЙЛАЙМАН**

Мана ҳозир ҳам аёлларимизни халқаро хотин-қизлар кунин 8 март байрами билан табриқлаш имконияти берилганидан фойдаланиб, агар деputат бўлсам, аёллар меҳнати ва турмуш шартини яхшилаш борасида нималар қилмоқчи эканлигим ҳақида гапирмоқчиман.

Авалло, мен республикамизда аёллар ва болалар ўлими кўпчилиги сабабларини аниқлашга интиляман. Тўғрида, касалли билмай туриб даволаб бўлмайди-ку, ахир. Менимча, биринчи сабаб қишлоқларимиздаги экологик шартининг инҳозат издан чиққанидир. Заҳарли дориларни шу қадар кўп ишлатиш, у ететган озми-овқатимиз, ичаётган сувимиз, ҳатто биз нафас олаётган ҳавода ҳам бор. Бунинг устига саноат корхоналари ҳам сув билан ҳавонин бирдек булғатаётдилар. Уларга таъсирини ўтказадиган, бу йўлдан қайтардиган, жазолайдиган

лум, қишлоқ аёллари далада ҳам, фермада ҳам эркаклар билан баб-баравар меҳнат қиладилар. Аммо эркаклар ишдан қайтганларидан сўнг би-бошлаб ҳордиқ чиқаришга одатланган. Аёллар-чи, йўқ, улар яне юмшуга тўттиндилар. Кун бўйи қаровисиз қолган уйини тартибга келтириш, овқат қилиш, катта-кичикке едириб-ичириш керак. Бунинг устига қишлоқларнинг акасирият кўпида аёллар меҳнати-ни енгиллаштирадиган газ, водопровод ва машина хизмат уйлари йўқ. Рўзгорда эса энг керакли гўш ва сут маҳсулотлари, мева-сабзавот етишмайди.

Бу ерда гап фақат аёлларнинг соғлиги ҳақида эмас, балки, келажак авлодининг тақдирини хусусида эканлигини ҳисобга олиб, муаммо иложи борича тезроқ ҳал этилиши зарур. Агар мен СССР халқ депутати бўлсам ўзимнинг бор кучим ва ишониларимни ана шу муаммонинг ечимига қаратган бўлардим.

**«КЕЛИН
САЛОМ»**



Пойтахтнинг Акмал Икромов район маданият бўлими қосида «Садоқат» деб номланган клуб ташкил этилган. Мазкур клуб аъзолари пенсионерлар, турли касб эгалари ва мактаб ўқувчиларидан иборат. Бир ойда бир марта ўтказиладиган клуб машғулотларида янги урф-одатларни ҳаётимизга сингдириш билан бирга бугунги кунда деярли йўқолиб бораётган қадимий удуларимизни тиклашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қуйида нисхот тўғрисида «Келин салом» эътиборингизга ҳавола этишимиз. Бунинг асосан икки аёл бажарди.

Биринчи аёл: Ассалому алайкум, келин салом. Иккинчи аёл: Алик салом. Биринчи аёл: Қош-кўзлари пилиқдай. Ошга тушган илиқдай қайинчиларига салом. Иккинчи аёл: Алик салом. Биринчи аёл: Бир гап билан қуддирган, айтганини қилдирган қайинчиларига салом. Биринчи аёл: Ассалому алайкум, келин салом. Иккинчи аёл: Алик салом. Биринчи аёл: Девор оғиб қараган, Келин «ким» деб сўраган қайинчиларига салом. Биринчи аёл: Яхшини оширган, Емонини яширган, Янгаларига салом. Иккинчи аёл: Алик салом. Биринчи аёл: Ассалому алайкум, келин салом. Иккинчи аёл: Алик салом. Биринчи аёл: Уйи тўрида ўлтирган, Сова-салом келтирган Меҳмонларга кўп салом. Иккинчи аёл: Алик салом.

(Сўнгра «Келин салом» якунида биринчи аёл яхши тилак ва орзу-ниятларини баён этади).

«Келиннинг шу хонадонга кутлуғ қадам билан келган бўлсин.

(Қудаларга мурожаат қилиб). — Сизларга келин-фарзанд муборак бўлсин. — Ўз қизларингиз қатори бағрингизга олсангиз, деган умидимиз.

(Келинга мурожаат қилиб). — Сен шу хонадонга фарзанд бўлиб келдинг, болам. Қайнота ва қайноналарингизни ўз ота-онанг деб билгин. Қайнона ва қайноналарингиз, қайинларингиз ва қайинчиларингизга доимо меҳрибон, турмуш ўртоғингизга вафодор бўл. Қариндош-уруғ, қўн-қўшилларингиз, шу хонадонга келган меҳмонларингизни хурмат қил. Хурмат қилсангиз хурмат кўрсатин. Турмуш, рўзгор ишларида қайнонадан маслаҳат сўра.

Хуллас, болам шу уйда яйраб-йишагин, тул қўйиб палак ёзгин, бахтли бўлгин.

Халқ анъаналари бор бўлсин!

М. ЖАҒҒАРОВ.

Факт ва рақамлар

● 598,1 минг хотин-қизлар илмай иш билан банд [Умуман олганда жами илмай ходимларнинг 40 фоизи]. Шулардан 132,8 мингтаси фан кандидати илмай даражасига эга [умумий ҳисобдан 28 процент], 6,1 мингги эса фан докторлари [13 процент]дир.

● Сўнгги 7 йилда СССРда қарийб 9 миллион хотин-қизларимизнинг иш шартини бир-мунча яхшиладим, лекин ҳа-мон: ● 3,4 миллион аёллар иш шартини зарарли ҳисобланган меҳнат билан банд; ● 275 минг аёл эса оғир ижтимоий меҳнат талаб қилмайдиган ишда; ● 4,2 миллион хотин-қизлар фақат саноат соҳасининг ўзидagina механизациялаш имконияти бўлса-да, барча ишларини қўлда бажаришмоқда.

• ИНТЕРНАЦИОНАЛ ОИЛАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР •



Уша куни «Еш гвардия» театрининг муҳташам залига одам сизмай кетди. Эшикдан кириб келаётган борки, тик қоматли, кенг елкали қорачадан келган, очиқ чеҳраси ҳамisha жиллоланиб турувчи аёл томон ошиқар, унга дил сўзларини изҳор этиб қўтларди. Меҳнат кишини шарафлашга бағишланган кечани антриса Дилором Каримова очар экан, тантана соҳибаси Санталат Сиддиқованинг ота-онаси, фарзандлари, невараларини сахнага таклиф қилди. Улуғ Ватан уруши ветеранлари Қорабой ота Маждидов, уруш йиллари фронт орқасида фидокорлик кўрсатган Нурбуви Маждидовалар ўғил-қизлари, набиралари, эваралари билан тўрдан жой олишди. Бахтиёр ота-она ўртасида улар насихатларига қулоқ солиб, меҳнатидан савдат топган Санталат ҳам фахрлини ўтирибди. Ун икки фарзандни оёққа қўймоқданинг ўзи бўлмайдди. Қолаверса, урушдан кейинги машаққатли йилларда Бўстонликда ногирон отаси енига кириб қўш етаклаган, барқашдек кетмон билан уват чопган, пайкаллар-

га сув тараган, сабзавот етиштирган дехқон-қизалоқ ўша вақтларда ўзининг бунчалик эъзозга лойиқ бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Бошқариб борувчи бугунги серфайз кеча қатнашчиларини Санталат Сиддиқованинг таржимани ҳоли, меҳнат фаолияти билан таништириб бўлди. Унинг биргина Бўстонлик районида эмас, Оржоникидзе ҳамда Тошкент районидagi қатор хўжалиқларида, кейинчалик Тошкент районидаги «Ленинград» совхозида дала ишлари билан машғул бўлганлиги, марҳум умр йўлдоши Тошпўлат ака билан меҳнатсевар, ҳалол ўғил-қизларни қамол топтиргани ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилди. Кейин Санталатнинг отасига савол билан мурожаат этди:

— Отажон, айтилгчи, фарзандларингиз қанча?
— Ун еттита.
— Шулар орасида қайси бири кўпроқ сизнинг йўлингизни тутди?
— Санталат-да. Серфарзанд, ишлаб толиқиш нималигини билмайдди. Уни ботир қизим дейман.
— Айтилгчи, отажон холамларга яхши кўриб уйланганмисиз?
— Бўлмасам-чи? У тожик, мен ўзбек. Яхши кўрган бўлсам керакки, бир ой ичида тожикчага ўрганиб олганман.
Залда қарсак, қулги авжига чиқади.
— Бу борада ҳам ота изидан борапман,— дейди Санталат, келинларим татар, озарбайжон, тожик, ўзбек қизлари. Бири-бирдан аъло. Қудаларимнинг қудалари украинлик ҳамда руслар. Иноқ

яшаймиз. Бир-биримизга оқибатимиз яхши.

Инсон қалбидagi ўт-оловни, билагидagi қувватини элита бағишлар экан, у кадр-қиммат топаверади. Санталат тақдирини Тошкентда Тошпўлат Сиддиқов билан болагандан кейин «мен шахарлик бўлиб қолдим» деб қўл қовуштириб ўтиравермади. Тошкент районидаги «Ленинград» совхозида дехқончиликини давом эттирди. Айни пайтда у ҳозир истиқомат қилаётган Акмал Икромов районида ҳам, меҳнати билан танилган Тошкент районида ҳам жамоат ишларида фаол қатнашмоқда. Ҳар иккала район хотин-қизлар Советининг аъзоси сифатида ёш оилаларни мустаҳкамлашга, бола тарбиясига оид фойдали маслаҳатлари билан кўмаклашиб келяпти.

— Ҳойнаҳой Санталатни ҳамма фақат дехқон деб билса керак,— дея табрик сўзини бошлади таниқли санъаткор Гавҳархоним Раҳимова.— У ажойиб раққоса ҳам

ларда хизмат қилаётган ўғил-қизлари Рустам, Бекпўлат, Носир, Саида, Сайёра, Шахноза, Зокиржон, Ҳалима, Муҳаммаджонлардан ҳамда мактабда билим олаётган Улуғбек, Баҳодир ҳамда Фурқатлардан ҳам мамнун. Фарзандларим менинг бахтим, қанотларим, дейди у меҳр билан.

Санталат Сиддиқова ўнлаб чет мамлакатларда — Ҳиндистон, Арабистон, Покистон, Польша, ГДР ва бошқа юртларда бўлганида ҳам ана шу қўшқанотлари, турли миллат вакилларидан иборат оиласи тўғрисида сўзлаб берган.

— Сиз жуда бахтли экансиз,— дея таъкидлаган эди марҳума Индира Ганди Санталатни бағрига босиб,— ҳар кимга ҳам айни бир пайтда меҳнат ва буюк оналик шухрати баравар насиб этавермайди. Сизга ҳавас қиламан. Сиздайларни мен жондлимдан севган ўзбек халқи қафида тутнишга ишонман...

Биз қаҳрамон она билан хонасида сўхбатлашиб ўтирарканмиз, қўнғироқ жиринглади.

— Марҳамат, киринг,— деди С. Сиддиқова мулоимлик билан. эшнни очар экан.

— Раҳмат, шониб турган эдим, яна бошқаларга ҳам хабар беришим керак,— бир парча қорозни узатиб хайрлашди ёши улурроқ киши.

Онанинг қўлидаги таклифномага кўз югуртирмаган. А. Икромов райони уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг конференциясига таклиф қилинибди. Орадан сал ўтмай унга телефон қилиб қолишди. У сўзлашаркан, чеҳрасини ташвишли туйғу қоплади.

— Қизи сўзларига қулоқ солмай қўйган бир отажон бор, шу илтимос қилапти, уч-тўрт оғиз насихат қилиб қўйишим керак экан,— дейди у.

Ҳа, Санталат Сиддиқова ҳозир пенсияда бўлишига қарамай, у ҳамон эл хизматида ва эъзозда. Бундай инсонларга чиндан ҳам ҳавас қиласан, киши.

С. ҲАСАНОВ.

ЎНТА БЎЛСА, ЎРНИ БОШҚА...

• «Ўртоқ» туҳфалари •

«Нилуфар», «Нодира» ва бошқалар

ТОШКЕНТ «Ўртоқ» кондитер фабрикаси хотин-қизлар байрами — 8 Мартга атаб миғ тонадан зиёд янги хилдаги конфетлар ишлаб чиқарди. «Нилуфар», «Полушка-поле», «Тошкент оқшоми», «Зафар» конфетлари, «Шахризода», «Нодира» деб чиройли номланган олий нав, баргакли ва мағизли шоколадлар ана шулар жумласидандир. Умуман олганда ҳозирги кунда аҳоли дастурхонига етказиб берилётган янги хил ширинликларнинг сони 16 тадан ошиб кетди.

Энг қувончли томони шундани, янги хил маҳсулотлар бевосита корхонанинг ўзида яратилмоқда. Бунда бош технолог Қумри Эргашева ва лаборатория мудирини Надежда Турдукларнинг ҳиссаси катта. Улар ихтиро қилган баргакли ва мағизли шоколадлар яқинда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медалига сазовор бўлди.

— Корхонамиз 1988 йил январидан хўжалик ҳисобига ўтиб ишламоқда,— дейди фабрика директори Мухтор Икромов.— Шу ўтган муддат коллективимиз учун катта синов йили бўлди. Иқтисодий ислохот ўзини тўла оқляпти. Ўн йилдан буён қолақлар сафидан ўрин олиб келган фабрикамиз ўтган йили планини ошириб бажарди.


Кадрлар масаласининг тўғри ҳал қилиниши, цехларда катта ҳажмдаги реконструкция ишларининг амалга оширилиши сабабли биз биринчи бор шундай катта ютуққа эришдик. Ҳамма ишлаб чиқариш участкаларида қатъий назорат ўрнатилди. Ташмачиллик, интизомсизлик ва бошқа салбий ҳодисаларга бутунлай чек қўйилди. Иш-

чиларнинг маоши ошди. Эндилликда улар меҳнатларига илгари бўлганидек ойига 100—120 сўм эмас, балки 200—300 сўм маош олишапти. Ана шулар туфайли маҳсулот сифати ҳам кескин ошди. Фабрикамиз ўз мавқени тиклаб олди.

Ҳа, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси қолақликдан илгорлар сафига чиқиб олди. Лекин ҳали олдинда катта ишлар турибди. Корхона қуввати яқин йиллар ичида 1,5—2 ҳиссага ошиши керак. Энг муҳими, фабрика ҳозир ишлаб чиқараётган баъзи ширинликларнинг бегази, ташқи кўриниши кишини ташвишлантиради, конфетларнинг этикеткалари кўримсиз, алмисоқдан қолган.

...Фабрикада асосан аёллар меҳнат қилишади. Оппоқ халат кийиб олган қиз-жувонларнинг зукко хатти-ҳаракатларини кўриб беҳтиёр завққа тўласан, киши. Еш-ёш, кўҳлик қизлар мураккаб аппарат ва машиналарни осонлик билан бошқаришапти. Ҳаётимиз тўқинлиги йўлида тер тўкиб ҳалол меҳнат қилаётган, элимиз дастурхонига ой сайин миғмиглаб тонна қанду-асал ширинликлар армуғон этаётган гулчехраларга боқиб:— Байрамингиз муборак бўлсин!— деймиз.

Н. ҲИКМАТҲУЛЛАЕВ.



Суратда: савдога чиқарилган янги хил шоколадлар.
М. Нурдидинов фотоси.

НАШРИЁТ КЛУБИДА ТАНТАНА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти клубида Хелқаро хотин-қизлар кўни 8 мартга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Тантана иштирокчиларини нашриёт касабасоюз комитети раиси Э. Отабоев табриклади.

— Корхонамиздаги ишчи-хизматчиларнинг ярмини аёллар ташкил этади,— деди у,— хотин-қизлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, социал масалаларни ҳал этишда фаол қатнашмоқдалар. Улар орасида кўпалаб юқори малакали мутахассислар, меҳнат зарбдорлари бор. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳарф-терувчи Р. И. Петрико, Г. Ҳасанова каби меҳнат ветеранлари, муқоваловчи ишчи-қаҳрамон она Ҳ. Турсунова, ҳарф терувчи М. Шафруллиналар сингариларнинг хизматлари эътиборга лойиқ...

Йигилишда Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правлениеси секретари Фарида Абдураҳимова ветеран-журналист аёллардан бир гуруҳсига Фаҳрий ёриқлар топширди. Тантана сўнгига нашриёт клуби қошидаги «Полиграфчилар овози» драма тўғраги аъзолари спектакль намойиш қилишди.

У. МАНСУРОВА.

ЦИРКДА БАЙРАМ.



★ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ йирик корхоналардан бири — чарм-галантерия ва спорт товарлари бирлашмаси коллектив пешқадмлар сафидан мустақкам ўрин олиб келмоқда. Республикамизда биринчилар қаторида ҳўжалик ҳисобига ўтиб ишлаб бошлаган мазкур корхона ишчилари ойлик, квартал ва йиллик планларни корхона ишчилик билан бажариб, қувончли меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқдалар.

Буни кўйидаги мисоллардан ҳам яққол кўриш мумкин. Бирлашма коллектив ўтган йил топширигини барвақт бажариб, планга қўшимча қарийб икки миллион сўмлик халқ истеъмол товар-

лари ишлаб чиқарди. Меҳнат унумдорлиги бир йилда 4,6 процентга ўсди. Ҳар бир ишловчининг ўртача иш ҳақи 26 сўмга ортди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни тўғри йўлга қўйиш, элда катта эҳтиёж сезилган маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатга жиддий эътибор бериш қийин иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кенг имконият яратди. Ишчиларнинг моддий аҳоли яхшиланди, ишга муносабат ўзгарди. Ҳозир корхонада 1265 нафар ишчи беш йилликнинг тўртинчи йилини муддатидан анча илгари адо этиш учун мусобақа олиб бораётгани фикримизнинг далилидир.

«Даромадга қараб — буромад» дейдилар. Тўй-маърака ҳам ярошганга ярашади. Бирлашма маъмурияти, партия ва касбаба союз ташкилотлари ана шу удумга амал қилиб, янги бир ажойиб аънанани бошлаб беришди. Коллектив аъзоларининг кўпчилигини хотин-қизларни ташкил этгани учун «Меҳнат байрамини» 8-Март байрамига қўшиб ўтказишга қарор қилинди.

Байрам учун муҳташам Тошкент давлат цирки биноси танланди. Билет харajatларини корхона ўз зиммасига олди.

... Байрам бошланади. Самиий табрик сўзлари ян-

райди. Мусобақа голибларига гуллар, мукофотлар улашишади. Цирк майдонига бирин-кетин ширин-шакар богча болалари, бадий ҳаваскорлар, ҳушовоз хонанда ва созандалар чиқиб келишади. Шу билан байрамнинг расмий ва бадий қисми тугайди. Иккинчи қисмда эса, йиғилганлар цирк артистларининг қизиқарли чиқишларини томоша қилдилар.

Меҳнат байрами, 8-Март байрами зўр қувонч билан ўтди.

Ҳ. НОСИРОВ.

★ СУРАТЛАРДА: «Меҳнат байрамини»дан лавҳалар.

Х. Шодиев фотолари.

КЕЛАЖАККА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИЛИКЛАР

- Касаба союзлари ўзларининг сайловди программаларида энг аввало аёллар иш соатини;
- Ҳафтасига 40 соатга келтириш.
- Аёлларни «ишланадиган шанба»дан озод этиш, каби талабларни биринчи ўринга қўйишган.
- Совет хотин-қизлар Комитети билан биргаликда аёлларни тунги сменаларда ишлатмаслик йўллари изланмоқда.
- Шунингдек, меҳнат оупускани ҳақидаги СССР Қонуни лойиҳасида оналарга қўшимча қўлайлиқ яратишга эришиш кўзланмоқда.
- ВЦСПС ва СССР Меҳнат давлат комитети болали оналарга давлат ёрдами кўрсатишининг ягона системасини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.
- Ҳўжалик юритишининг янги босқичида корхоналарда бир мунча янгиликларни қўлашани имконияти тўғрисида. Жумладан, маҳаллий комитет, меҳнат коллективи кенгаши маъмуриятдан қўйидагиларни сўрашга, талаб қилишга ва турмушга татбиқ этишга ҳақлидирлар.
- Ҳомилдорлик вақти ва болани вояга етказиш учун белгиланган отпускани уч йил муддатга узайтириш.
- Бунга кетадиган нафақани корхона фондидан тўлаш.
- Кўп болали оналарга ва ёлғиз оналарга қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш.




★ СУРАТДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулинора Низомова ҳиндча рақс ижро этмоқда.
М. Назаров фотоси.

КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Отаҳий газали билан айtilадиган классик қўшиқлардан бири. 6. Тақинчоқ, зийнат буюми. 7. Саида Зуннунова қиссаси. 8. Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» тарихий драмаси персонажи. 11. Ўзбекистондаги аёллар чим устида хоккей командаси, мамлакат чемпиони. 12. Урама шаклида пишириладиган егулик. 15. Танқили раққоса ва балет устаси, СССР халқ артисти. 16. Соҳиб Жамолнинг «Ғули сиёҳ» романи қаҳрамони. 17. «Дадил қадам» турки филмининг персонажи. 20. Машҳур ўзбек халқ ашулаларидан бири. 21. Бадий каштачилик буюми.

БУЙИГА: 2. Шойи тўқиладиган тола. 3. Ҳидир Деревининг «Қисмет» романи қаҳрамони. 4. М. Горькийнинг «Она» романи персонажи. 5. Аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионларидан бири. 9. Сув гули. 10. Куйсиз ижро этиладиган қўшиқ. 13. Э. Воҳидовнинг арман гўзалини мадҳ этиб ёзган шеъри, қўшиқ. 14. Ўзбекистон классик шоираси, маърифатпарвар. 18. Мўйнали устки кийим. 19. Тожикистондаги ашула ва рақс ансамбли.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.



РАССОМ ҲАЗИЛЛАРИ



Эр: — Тингла, хотиним, аёлларга атаб куй эшиттиришяпти...
Сўзсиз сурат.
М. УНГАРОВ чизган расмлар.

Факт ва рақамлар

- СССРда 149,2 миллион аёл бўлиб, шулардан 65 миллиони иқтисодий ишлаб чиқаришда банд. Олий ва ўрта маълумотли мутахассисларнинг 60 фоизи ҳам аёллардир.
- 0,5 миллиондан зиёд аёл корхона ва муассасаларга рақбарлик қилса, 1 миллионга яқини цех ва участкаларни бошқаради.
- Мамлакатимиздаги ишда банд бўлган аёлларнинг 85 фоизи фарзанд кўргач, ўз маълумоти, малакасини оширишга қизиқмас экан.

«Тошкент ҳақиқатининг навбатдаги сони 10 мартда чиқади».

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

«Ташкентская правда» Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов
Издается на узбекском языке
Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оқнавий ишлар бўлими.